ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРТИЯ САФЛАРИНИ “ТОЗАЛАШ” ТАРИХИДАН

С.А.ҲОШИМОВ

В статье освещена кампания «чистки» в рядах компартии (1920-30), которая рассматривается автором как подготовительный этап к массовым репрессивным действиям – «большому террору»

This article is considered the campaign of "cleaning" in numbers parties (1920-30) which mentioned by the author as a preparatory stage to mass repressive actions - «Large terror".

Совет тузуми даврида амалга оширилган қатағон сиёсати тарихини ёритишда партия ходимларига ва ҳукумат таркибидаги мухолифат кучларига нисбатан ўтказилган “тозалаш” сиёсати баҳонасида қўлланилган қатағонлар ҳам алоҳида тадқиқот мавзусидир.

Совет тузуми XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистонда партия ичидаги “тозалаш” сиёсатини кенг миқёсда олиб борди. “Тозалаш” биринчи навбатда “миллий оғмачилар”, синфий жиҳатдан “шубҳали элементлар” деб топилган партия аъзолари ва ҳукумат идораларида ишлаётган ерли халқ вакилларига қарши қаратилган эди. Коммунистик партия бутун мамлакат бўйлаб ўзининг яккаҳокимлик, диктаторлик сиёстатини ўрнатишга интилар экан, унга қарши бўлган мухолифат кучларни ва ўзгача фикрловчи кишиларни йўқ қилишга ҳаракат қилган. Бунда партия ва ҳукумат ташкилотларида ўтказилган “тозалаш” лар компартияга қўл келган.

ВКП(б) МКнинг 1928 йил ноябрдаги пленуми қарорлари асосида собиқ иттифоқда 1929 йилда иккинчи бор партия сафларини “тозалаш” ўтказилди. 1929 йил ноябрида Бухарин ва унинг маслакдошлари Сиёсий бюродан чиқарилди. Апрель ойидаги ўн олтинчи партия конференцияси партиядаги иккинчи асосий “тозалаш”ни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди (биринчиси 1921 йилда ўтказилган). Бу сафар (1923-1929 йилларда) кимки Сталинга қарши овоз берган бўлса, улар қайси мухолифат қатламидан бўлишидан қатъий назар “тозалаш” давомида партиядан ўчирилди. Партия конференцияси қарорига мувофиқ, “тозалаш”ни кенг миқёсда – совет идораларидаги партиясиз ишчилар орасида ҳам ўтказиш режалаштирилди. Шундай қилиб, “тозалаш” чоғида барча совет хизматчилари “тозалаш”дан ўтказилди. Текширув чоғида “хизматчиларнинг кенг оммасини” жалб этиш мақсадида хизматчилар рўйхати тузилиб, уларнинг таржимаи ҳоли, ўзини тутиши тўлиқ ўрганилди. Комсомол аъзолари орасидан махсус “енгил кавалерия” отрядлари тузилди, судья вазифасини эса ишчи касаба союзлари бажарди. Партия ўзининг қатағончилик фаолиятига кенг аҳоли қатламини қамраб олди [1;236].

Ички ишлар халқ комиссарлиги тафтиш ҳайъатига совет ҳукумати бошқарув аппарати ва партиядаги “тозалаш” чоғида “тозаланганларни” уч тоифага ажратиш ҳақида кўрсатма берган эди. Биринчи тоифадаги “тозалаш чоғида ишдан бўшатилган”ларни барча ҳуқуқлардан: нафақа, моддий ёрдам, иш ва уй-жойидан маҳрум этиш; “иккинчи тоифага” эса бошқа ташкилот ёки бошқа соҳада ишлашга рухсат бериш; “учинчи тоифада”ги ходимларни лавозимда пастлатиб, таржимаи ҳолига “тозалаш” чоғида мансаби пасайтирилганини қайд этиш [1;236]. Бу сафарги “тозалаш” шу даражада кенг миқёсда олиб борилдики, бутун мамлакат аҳолисини қўрқувда ушлаб турди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам.

1929 йил 18-20 июнда Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон КП(б) МКнинг бирлашган йиғилиши партиядаги “тозалаш”га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди. Унда, жумладан, партия ташкилотларидаги “тозалаш” синфий характерга эга эканлиги таъкидланиб, партия сафларидаги батрак ва камбағал қатламга таянган ҳолда уни бой “қулоқ”лардан “тозалаш” ҳақида қарор қабул қилди [2;462-463]. Шундан сўнг Ўзбекистонда 1929 йил охирига қадар партия сафларида ва ишчи ходимлар орасида “тозалаш” ўтказилди. Шунингдек, совет идораларида ишлаётган партиясиз кишилар ҳам “тозалов” дан ўтказилди. “Тозалаш” натижасида Ўзбекистон Компартиясининг 4564 аъзоси аъзоликдан ўчирилдики, бу партия аъзолари умумий сонининг 13,8 фоизини ташкил этарди. Мазкур “тозалаш” бошланиши арафасида турли сабабларга кўра 598 киши, яни партия аъзоларининг 1,8 фоизи ўз ихтиёри билан партиядан чиқиб кетдилар [3;113]. Шу йилги “тозалаш” чоғида 1707 киши синфий ёт унсур сифатида партиядан ўчирилган эди. Масалан, Бухоро округида жами 198 киши партиядан ўчирил-

ди. Шулардан 53 киши синфий ёт унсур сифатида, 27 киши улар билан алоқа қилгани учун, 21 киши эса истиқлолчилик ҳаракатида (ҳужжатда “босмачилар” дейилади – С.Х.) қатнашгани учун “тозалаш” чоғида партиядан ўчирилди. [4;112].

Партия сафидаги “тозалаш” ҳукумат таркибидаги миллий мухолифатга қарши ҳам давом эттирилди. 1929 йил 16-20 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон КП(б) МКнинг учинчи пленуми МК аъзолари ва партиянинг раҳбарияти таркибида олиб борилган “тозалаш”ларни муҳокама қилиб, ташкилий масалани кўриб чиқди [2;404]. Партиядаги “тозалаш” Иттифоқда 1929 йилда тугатилган бўлса, Ўзбекистонда у 1930 йилда ҳам давом этди. Коммунистик партия мухолифат кучларни ва ўзининг йўлига тўсиқ бўла оладиган “унсур”ларни йўқотишга ҳаракат қилди. “Тозалаш” нафақат партия ташкилотлари ва унинг аъзоларига нисбатан, балки партияга аъзо бўлмаган хизматчиларга нисбатан ҳам олиб борилди. Бунга 1930 йил Давлат Банки аппаратида ўтказилган “тозалаш” чоғида бир қанча раҳбар ходимларнинг қамалгани мисол бўла олади.

Собиқ Иттифоқда 1933 йилдан партиядаги “тозалаш”нинг учинчи босқичи бошланди. Режага кўра бу босқич 1933 йилда бошланиб, 1935 йилда тугалланиши лозим эди. Бироқ МК зудлик билан партия аъзолари ва аъзоликка номзодларнинг ҳужжатларини текшириш ва қайта рўйхатга олишга қарор қилиб, 1 февралдан партия ҳужжатларини алмаштира бошлади. 1933 йилдан партиянинг барча аъзолари ўзини микроскоп остида ҳис қила бошлади. 1924 йилдан 1933 йилга қадар партия аъзолари сони 472.000 дан 3.555.338 кишига орттирилган эди. 1931 йил январдан 1933 йилга қадар миллиондан ортиқ аъзо партиядан ўчирилди [1;294]. Партиянинг ёш аъзолари ҳайдалганлар қаторига қўшилиб қолмаслик учун ўзини қандай тутиш, раҳбариятга ёқиш учун нима қилиш, юқори ташкилотдан берилган кўрсатмаларни сўзсиз бажариш, сафдошлар билан муносабатларда хушёрликни оширишга ўргатилди. Партия билети унинг соҳибини жамиятнинг энг олий элита қатламига қўшар эди. Бироқ партия билетини йўқотиш ёки уни олдириш кишини шундай пастга тушириб қўярдики, ҳатто партиясиз кишидан ҳам ёмонроқ ҳолатда қоларди. Ҳар бир партиядан чиқарилган киши зудлик билан “органлар”нинг асосий назорат объектига айланган. 1934 йил июлидан бу ҳолат “органлар” учун одатий ҳолга айланди. Бу даврга келиб ОГПУнинг ўрнига НКВД ташкил этилди. Бу ташкилот 1917-1922 йилларда ВЧК, 1922 йилдан ГПУ деб аталиб келинган эди [1;295]. 1934 йилдан ОГПУ энди НКВД деб атала бошланди ва унинг фаолият кўлами янада кенгайтирилиб, чекланмаган ваколатлар берилди.

Кировнинг ўлдирилишидан ҳукумат ва партия раҳбарияти фойдаланиб, бутун мамлакатда “органлар” ва куч ишлатиш воситасида ҳал қилинувчи таранг вазият ва низоли ҳолатни вужудга келтирди. 1935 йилдан органларнинг асосий зарбаси партия ходимлари ва мухолифат кучларига қаратилди. Ўз вақтида кенг оммага қарши қаратилган оммавий террорни бажонидил қўллаган муҳолифлар ҳам партия ходимларига қаратилган терроргa қарши тура олмадилар. Сталин бошчилигидаги ҳукумат бундай сиёсатни юритишга хеч қандай асосга эга эмас эди. Улар ўз қўлидаги ҳокимиятни олишда ёрдам берган ўз дўстлари билан бўлишмайди деган ақидага асосланиб иш юритдилар. 1935 йилда Сталин иккита ташкилот фаолиятини ёпиб қўйди. Булар кекса большевиклар ва политкаторжанлар жамиятлари эди [1;295]. Энди террор, асосан, партия аъзолари орасидаги мухолифат кучларга ва ўзгача фикрловчиларга қарши “тозалаш” баҳонасида қўлланила бошланди. Бутун мамлакат бўйлаб террор, қўрқитиш, куч ишлатиш давлатнинг асосий жиноий қуролига айланди.

Ўзбекистонда компартиядаги “тозалаш”нинг учинчи босқичи 1934 йил 1 июнидан 1935 йилнинг 1 апрелига қадар амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Бироқ “тозалаш” ишлари 1936 йил сентябр ойи охирларигача давом этди. Партиядаги “тозалаш” натижасида 12316 киши партиядан ўчирилди. Бу партия аъзолари умумий сонининг 26,8 фоизи деганидир. Шулардан 1870 киши синфий ёт унсурлар деб, 1714 кишини синфий ёт унсурлар билан алоқа қилган ва уларни қўллаб-қувватлаган деб, 1545 кишини мансабпараст ва иккиюзламачи деб, 2823 кишини партия тартиб-қоидаларини бузганликда айбланиб партиядан ўчирилди [4;113]. Ўзбекистон КП(б)МКнинг 1935 йил 3 – 5 декабрда бўлиб ўтган бешинчи пленуми Ўзбекистонда амалга оширилган партиядаги “тозалаш” давомида Ўзбекистон партия ташкилотлари совет ҳукуматига ва партия сиёсатига қарши кучлардан тозаланганини қайд этган ҳолда бу “тозалов”ни давом эттиришга қарор қилди [2;664].

Ўзбекистонда амалга оширилган учинчи босқич “тозалаш”лар давомида баъзи районларда жуда кўплаб кишилар сунъий равишда партиядан четлаштирилди. Жумладан, Яккабоғ район партия ташкилотидан партия аъзоларининг 20 фоизи, аъзоликка номзодлардан 23 фоизи; Булунғурда – партия аъзоларнинг 20,5 фоизи, аъзоликка номзодлардан 23,8 фоизи; Янгиқўрғонда – партия аъзоларининг 20 фоизи, аъзоликка номзодларнинг 18 фоизи; Митанда – партия аъзоларнинг қарийб 29 фоизи, аъзоликка номзодларнинг 40 фоизи; Шаҳрисабзда – партия аъзоларнинг 18,4 фоизи, аъзоликка номзод-

ларнинг 20 фоизи партиядан ўчирилди. Шунингдек, Республика Фан комитетининг бошланғич партия ташкилоти аъзоларининг 43,7 фоизи, Ўзбектаъминот ташкилотидан 38,8 фоиз, маориф халқ коммиссарлигидан 25 фоиз партиядан ўчирилди [2;665]. Кўриниб турибдики, партиядаги "тозалаш" чоғида кўпроқ илмли, юксак фикрлаш қобилиятига эга бўлган, совет ҳукумати ва партия олиб бораётган сиёсатнинг моҳиятини англаб, тушуниб етадиган билимли, зиёли кишиларни партиядан четлаштиришга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистон КП(б) МК бешинчи пленуми қайд этишича, МК бюроси қарори билан ўтган давр мобайнидаги "тозалаш"лар чоғида 1672 партия ходими ва 1505 партия аъзолигига номзодлар партиядан ўчирилиб, уларнинг партия билетлари олиб қўйилган. Шунингдек, 180 партия аъзоси ва 383 партия аъзолигига номзодлар партия ҳужжатини текширишдан ўзини четга олгани, бўйин товлагани учун ўз-ўзидан партиядан чиқарилганини қайд этиб, айрим районларда "тозалаш" ишлари охирига етказилмагани ва уни "синчковлик" билан яна давом эттириш ҳақида қарор қабул қилди [2;265-266]. Шу боис партиядаги "тозалаш" Ўзбекистонда 1936 йилда ҳам давом этди.

1936 йил 13-15 сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон КП(б) МК еттинчи пленуми Ўзбекистонда партия ходимлари орасида олиб борилган учинчи босқичдаги "тозалаш"ларнинг якунларини кўриб чиқди. Пленумда қайд этилишича, 1936 йилнинг ўзида Ўзбекистондаги партия ходимларидан 231 киши, партия аъзолигига номзодлардан 296 киши синфий ёт унсурлар сифатида партиядан ўчирилган. Шунингдек, шаҳар ва район партия комитетларининг қарори билан партия ишида фаол иштирок этмаган деб топилган 400 партия ходими ва 589 партия аъзолиги номзодлар партиядан ўчирилганини қайд этди [2;690-691].

Бу "тозалаш"лар бора-бора ҳар қандай чегарадан чиқиб кетди. Партия аъзоси бўлган ерли халқ вакилларидан кимки марказдан жўнатилган ходимларнинг кўзига ёқмаса, партиядан четлатилди, кейинги босқичда қатағон қилиш учун ҳозирлаб борилди.

Совет тузуми Ўзбекистонда совет ва партия ходимларини оммавий қатағон қилиш сиёсатини 1929 йилдаёқ бошлаган эди. Бу иш Ўзбекистон компартияси IV қурултойининг партиядаги ўнглик хавфи тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилди. Ана шу сиёсий кампания даврида партияни "тозалаш" баҳонасида 15,6 фоиз партия аъзоси партия сафидан чиқарилди, уларнинг кўпчилиги қамоққа олинди ва қатағон қилинди, асосан, айбсиз одамлар жабр тортди. Ҳисоб-китобларга қараганда, собиқ иттифоқ ҳудудида 1925-1939 йилларда 2383363 киши партиядан чиқарилган. Фақатгина 1934-1939 йилларда – қатағоннинг энг кучайган даврида 1220934 коммунист партиядан ўчирилган [5;440-441]. Ўша алғов-далғовли йилларда партиядан ўчирилиш бу кишиларга катта кулфатлар келтирар эди. Партиядан ўчирилганлар нафақат ўзлари, балки оиласи, фарзандлари ва уруғ-аймоғи билан қораланар, ижтимоий-сиёсий жараёнларда қатнашиш, раҳбарлик лавозимларида ишлашлари тақиқланар, ҳатто, баъзи ҳолларда уруғ аймоғи билан бирга сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилар эдилар.

Хуллас, 20-йиллар бошида бошланган партия ходимларига нисбатан "тозалаш" кампанияси, аслида, 20-30 йилларда амалга оширилган оммавий қатағон сиёсати учун совет ҳукумати олиб борган тайёргарлик эди . "Тозалаш" кампаниясида партиядан ўчирилганларнинг аксар-ияти 1937-1938 йилларда амалга оширилган "катта террор" даврида қатағон қилиниб, отиб ташланди ёки узоқ муддатга қамалди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Геллер М., Некрич А. История России 1917-1945. В 4-х томах.Утопия у власти. Книга первая. Социализм в одной стране.- М., 1996.

2. Коммунистическая партия Узбекистан в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т.1.1925-1937.-Т.: Узбекистан, 1987

3. Итоги проверки и чистки КП(б) Уз.- Самарканд, 1930

4. Гентшке Л.В., Турсунов Х.Т., Юсупов Э.Ю. Развитие коммунистических организаций в условиях перехода к социализму, минуя капитализм. (по материалом Компартии Узбекистана)- Т.: Узбекистан, 1985

5. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Учинчи китоб.- Андижон, 2004

Андижон давлат университети,
2010 йил 11 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)